


IX. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи. Тошкент вилояти бўйича 2020 йил январь-март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 625,4 минг сўми ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,5 % га ошганини кўриш мумкин. Худудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмаликда 3954,1 минг сўми (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 150,6 %), Бекобод шаҳрида 3602,6 минг сўми (137,2 %), Нурафшон шаҳрида 2890,2 минг сўми (110,1 %) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1591,9 минг сўми (60,6%), Паркент туманида 1701,1 минг сўми (64,8 %), Бўка туманида 1593,9 минг сўми (60,7 %), Оққўрғон туманида 1819,8 минг сўми (69,3 %) ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹
(2020 январь-март ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, % да)




¹ қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган


Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)

	2019 йил январь-март	2020 йил январь-март	2019 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида
Вилоят бўйича:	2272,3	2625,4	115,5
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	1987,3	2890,2	145,4
Олмалиқ	3520,4	3954,1	112,3
Ангрен	1700,3	2017,0	118,6
Бекобод	2600,3	2602,6	100,1
Чирчиқ	1980,8	2352,4	118,8
Оҳангарон	1870,8	2686,2	143,6
Янгийўл	1572,4	1879,7	119,5
<i>туманлар:</i>			
Оқкўрғон	1345,4	1819,8	135,3
Оҳангарон	1462,8	2036,9	139,2
Бекобод	1190,5	1591,9	133,7
Бўстонлик	1482,3	2000,2	134,9
Бўка	1336,7	1593,9	119,2
Зангиота	1682,4	2195,5	130,5
Қибрай	2011,2	2423,5	120,5
Қуйичирчиқ	1440,3	1788,7	124,2
Паркент	1322,6	1701,1	128,6
Пискент	1330,1	1901,7	143,0
Ўртачирчиқ	1747,0	2068,0	118,4
Чиноз	1544,5	1765,1	114,3
Юқоричирчиқ	1523,5	2018,7	132,5
Янгийўл	1654,8	2160,5	130,6
Тошкент	1664,5	1930,3	116,0

Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)



**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари % да
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва
кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)**



Иш ҳақи. 2020 январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда (*2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм*):



Таълимда 1599 та муассасада 78365 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 27,9 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 491574,7 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 22,8 %ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2090,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 146,5 %га ўсди;



Саноатда 101 та корхонада 91985 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 34,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 984821,5 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 45,6 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3568,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 135,9 %га ўсди;



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 115 та муассасада 39626 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,7 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 205078,8 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 9,5 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1725,1 минг. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 147,0 %га ўсди;



Ташиш ва сақлашда 27 та корхонада 3496 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 16729,9 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,8 % ни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1595,1 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 129,0 % га ўсди;



Молиявий ва суғурта фаолиятида 82 та муассасада 3363 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 43589,3 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,0 % ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4320,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 154,7 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-март ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2625361,9 сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 115,5 % га ўсиши кузатилди.